



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 2 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Ислом – тинчлик ва маърифатпарварлик дини.....	3
Абдулҳодий ЮСУПОВ, Неъмат ЖАББОРОВ. Асрлар оша синовдан ўтиб келаётган таълимот.....	5

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Дониёр МУРАТОВ. Сунан тўплamlари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
Давронбек ҚОДИРОВ. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Бидоятул ҳидоя” асарида қалб гуноҳлари тўғрисида.....	9
Нафиса ҚЎШШАЕВА. Носириддин Тусий дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит.....	11
Анвар БАБАЕВ. “Саҳиҳул Бухорий”да тилшунослик сабоқлари.....	13
Мафтуна ОЧИЛОВА. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида сабр талқини.....	14
Абдуси ШОНАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг ўзидан “Саҳиҳул Бухорий” китобини ривоят қилган машҳур ровийлар.....	15

НОДИР МАНБАЛАР

Ширин КУРБОНОВА. “Абваб тасриф манзума” асарида лексик қатлам.....	18
Фируз МУЗАФФАРОВ, Баҳши РУСТАМОВ. Муҳаммад Ғаззолий ва унинг “Насиҳатул мулк” асари ҳақида....	19
Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ. “Усул ул фикҳ” илмининг уч устуни.....	21

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ойбек РАШИДОВ. Ўзбекистонда совет бошқарувидаги маҳаллийлаштириш сиёсатининг даврий матбуотда ёритилиши.....	24
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги этномаданий жараёнлар....	26
Фурқат ТОШБОЕВ, Шаҳриёр ЭШБОЕВ. Ўзбек халқи спорт кийимлари тарихидан: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар.....	28
Жамшид КҮЧАРОВ. Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасида ҳунармандлик тараққиёти хусусида....	30
Вазира САДУЛЛАЕВА. Дониёлбий Оталиқ ва Амир Шоҳмурод даврида Бухорода таълим ва илмий муҳит....	31
Нигора МАХМУДОВА. Народные суды кочевого населения в Туркестанском крае (по материалам ревизии сенатора К.К. Палена (1908-1909 гг.).....	33
Элдор САТТОРОВ. Илк Ўрта асрларда Суғдда кечган ижтимоий-маиший ҳаётнинг суғдий ҳужжатларда акс этиши.....	35
Сухроб ЭРҒАШЕВ. Ўзбекистонда саводхонлик.....	37
Matlubxon MURTOZAYEV. G'obdin qishlog'i va u yerdagi ziyoratgoh tarixidan.....	39
Абдурашул БОЛТАЕВ. Ўзбекистонда турғунлик йилларида пахтачилик соҳасининг ҳолати.....	41
Ойбек ЯРМАТОВ, Марғуба САТТОРОВА. Ўзбек хонликлари билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихининг манбашунослиги (XIX-аср).....	43
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига Самарқанд маънавий-маърифий муҳитининг таъсири (тарихий-синергетик таҳлил).....	45
Шоҳжаҳон РАШИДОВ. Қатағон қилинганлар тақдири: Абдулла Қодирий қандай оқланган эди?.....	47
Умида КУРАНБАЕВА. Абу Райҳон Беруний асарларида суғдликлар тарихининг ёритилиши.....	49
Дилафрўз ТҶУХТАБОЕВА. Истиқлол йилларида Асака шаҳри.....	51
Ўқтамбек СУЛТОНОВ. Бурҳониддин Марғионий насаби ва авлодлари тақдири.....	53

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Ilhomjon BEKMIRZAEV, Irodaxon GAFUROVA. Марказий Осиёда маърифий ислом тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.....	55
Muzaffar SUVONKULOV. Turklar ma'naviyati va islom.....	58
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Чиштия тариқатида нафс тушунчаси.....	61
Tulkin MARDIYEV. Qur'oni karimda “do'stlik” konseptining ifodalanishi.....	63
Нодирбек ТУРАБОЕВ. Фикҳ илмида “Мухтасар” жанридаги китобларнинг аҳамияти.....	65
Даврон НУРМУҲАММАД. Ҳадис илми ривожига “Муснад” асарларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	66
Абдулло АБДУХАЛИЛОВ, Рауф БЕКБАЕВ. Понимание инвалидности в исламе.....	68
Нодира СУЛТОНОВА. Ўтмиш ренессанс тарихи ва тараққиётида оила ва никоҳ муносабатлари – энг олий қадрият сифатида.....	70
72..... رسالة لا تموت وجهود لن تتوقف د. محمد سيد ورداني. "البحوث الإسلامية"	

ИЖТимоий ИНСТИТУТ

Актам АВЛАКУЛОВ. Техноген жамиятда инсон муаммоси.....	73
---	----

Нигора БУРАНОВА. Тарих илмини тўғри ўрганиш зарурати.....	75
Камолахон АБДУРАЗАКОВА. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳалқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик.....	76
Ҳабибуллохон АЗИМОВ. “Араб баҳори”га қадар Туркия-Сурия муносабатлари.....	78
Дилфуза ЗАКИРОВА. Тақиқлар – барча динлардаги умумий бир жиҳат сифатида.....	80
Жамшид ЭЛМУРОТОВ. Дунёвий ва диний қадриятларда шахс эркинлиги муаммолари.....	82
Исломиддин ҲАЙДАРОВ. “Маърифатчилар” ноқонуний-ноанъанавий диний жамоасининг иддаолари ва уларга раiddиялар.....	85
Барно МИРИСАЕВА. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ривожланишининг назарий асослари.....	87
Алишер АҲАДОВ. Роль деятельности национально-культурных центров в Узбекистане.....	89
Бехзоджон МАЛИКОВ. Давлат хизматини ташкил этишда “Япон мўъжизаси” ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	91
Тунис ХОЖИЕВ. Хитой Халқ Республикасининг тараққиёт модели ҳамда модернизациялаш босқичлари.....	93
Дилором ЮЛДАШЕВА. Тиббиёт туризмнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.....	96
Собитали ЖУРАЕВ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришдаги туганган ўрни.....	97
Аълохон АЛИҚОРИЕВА, Садоқат ТУРАТОШЕВА. Таълим жараёни сифатини назорат қилишнинг асосий математик моделлари (социологик таҳлил).....	99
Хосият МУЛЛАЖАНОВА. Маънавий мероснинг тарихий аҳамияти ва баркамол ёшларни тарбиялашдаги ўрни.....	101
Дилдора МИРАКБАРОВА. Глобаллашув даврида оила мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатувчи маънавий иллатлар.....	103
Сарвар НИШОНОВ. Инсон концепциясининг концептуал асослари ва ривожланиш босқичлари.....	104
Ҳабибулло САДИБАКОСЕВ. Новые подходы к международным отношениям США.....	107
Sirojiddin ABDUVOITOV. Afg'onistonning mintaqaviy va global miqyosidagi geosiyosiy o'rne va Afg'on jamiyatini qayta qurishda uchrayotgan asosiy muammolar.....	110

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Гулчеҳра ҒАФҒАРОВА. Абу Райҳон Берунийнинг гносеологик қарашлари ҳозирги замон фалсафий-методологик талқинида.....	113
Жамшид ОЧИЛОВ. Шарқ ва Ғарб цивилизацияси интеграциясининг инсоният маънавий-маданий, иқтисодий муносабатлари глобаллашувига таъсири.....	115
Баҳодир ҚАНДОВ. Замонавий глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги тамойилларининг ижтимоий-фалсафий асослари.....	117
Жаҳонгир ШОДИЕВ. Умар Хайём фалсафий қарашларида билиш муаммоси.....	120
Мартаба МЕЛИКОВА. Философская герменевтика как теоретико-методологический подход анализа духовного наследия Алишера Навои.....	122
Шахноза ТУРСУНКУЛОВА. Эстетик парадигмада санъат назариялари.....	125
Дилнавоз РАХИМДЖАНОВА. Суқрот таълимотида эркинлик феноменининг акс этиши.....	127
Джамшид КУРБАНОВ. Марказий Осиё мутасаввифлари фалсафий қарашларининг диний фундаментализмга қарши курашдаги ғоявий аҳамияти.....	130
Очил БЎРИЕВ, Иқбол ЖАББОРОВА, Қурбон НУРБОЕВ. Исломда сувдан фойдаланиш одоби.....	132
Баҳодиржон ҒАНИЕВ. Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	134

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Абдумажид АБДУМАННОТОВ. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида баркамол авлод тарбияси масалалари.....	137
---	-----

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Евгения ЮГАЙ. Цифровая культура как феномен нового времени.....	139
Ахрор ЭШМУҲАМатов. Жиззах воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалигида яйлов чорвачилигининг ўрни.....	141
Лола МУХАМЕДЖАНОВА. Латофат СУЛТАНОВА. Тарихчи олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг Бухорога саёҳати.....	143
Шавкат СЎПИЕВ, Рисолат ШОВДИРОВА. Хорижий тилларни ўргатишда талабаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш йўллари.....	145
Fazilat QO'CHQOROVA. O'quvchi shaxsini kasbga yo'naltirishning ijtimoiy-psixologik asoslari.....	148

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расули Акрам мўъжизалари “Саҳиҳул Бухорий”да: Таом берармикан, деб савол сўраган инсон.....	150
--	-----

СУНАН ТЎПЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ДОНИЁР МУРАТОВ
ЎзХИА доценти, тарих
фанлари номзоди

Мухаддислар ҳадис тўпламларини ёзиш жараёнида ҳадисларни турли мавзуларга бўлиб чиқиб, ўз китобларига киритган. Натижада кўплаб ҳадис тўпламлари вужудга келган. Ҳадис тўпламлари орасида «сунан» номи билан юритилган асарлар алоҳида аҳамиятга эга.

Сунан сўзи саннат сўзининг кўплиги бўлиб, одатлар, анъаналар ва ривоятлар маъноларини билдиради. Ҳадис тўплами тури сифатида бундай асарларда аҳком ҳадислар «тахорат» бобидан «васиятлар» бобигача фикҳ тартиби бўйича жамланган бўлади. Одатда бундай асарларда ақида, тарих, манокӣб каби мавзулар мавжуд эмас [1: 21]. Шунингдек, бундай асарларда мавқуф ва мурсал каби ҳадис турлари ҳам йўқ. Чунки муҳаддислар уларни суннат деб ҳисобламайди. Бу турдаги китоблар ҳижрий II асрнинг биринчи ярмидан (мил. VIII асрдан) ёзила бошланган.

Баъзи сунан китобларда аҳком ҳадислар билан бир қаторда фазилатлар ва зуҳд мавзуларига оид ривоятлар ҳам учраб туради. Бунга имом Дорийий ва Байҳақийнинг «Сунан»ларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ҳолатда сунан китоблар «мусаннаф» ва «муватто» тўпламлари билан деярли фарқланмаслиги мумкин. Сунан номи билан жуда кўп китоблар ёзилган. Улардан сиҳоҳи ситтага кирувчи имом Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можалянинг ёзган асарлари машҳур бўлиб, улар «тўрт сунан» номи билан юритилади [2: 251]. Шунингдек, имом Дорийий ва Дорақутнийнинг асарлари ҳам кенг тарқалган.

Имом Абу Довуднинг «Сунан»и ҳам олти ишончли ҳадис тўпламлари қаторига киради. Имом Абу Довуд ўз «Сунан»ига беш юз минг ҳадис орасидан тўрт минг саккиз юзини танлаб олиб киритган. Бу ҳадисларнинг барчаси шариат аҳкомлари ҳақида бўлиб, кўпи фақиҳлар орасида машҳурдир. Имом Абу Довуд «олти саҳиҳ» соҳиблари орасида Бухорийдан кейинги энг фақиҳи саналади. Шунинг учун «Сунан» китоби фикҳ илмининг барча бобларини ва мусулмон шаҳарлари уламоларининг ўзларига далил қиладиган ва шунга мувофиқ ҳукмлар чиқарадиган ҳадисларни ўзида жамлаган. Муҳаддислар бунни эътироф этиб: «Шубҳасиз, мужтаҳидларга Куръони каримдан кейин имом Абу Довуднинг сунанлари кифоя қилади», деганлар ва китобдаги ҳар бир ҳадисни барча фикҳ олимларининг мазҳабларига мувофиқ келадиган, кенг ва мукамал баён этгани сабабли бу китоб фақиҳлар орасида машҳур.

Абу Сулаймон Хаттобий «Маъолимус сунан» китобида: «Бу китоб барча олимлар тарафидан гўзал қабул қилинган ва турли мазҳаб фуқаҳолар табақотлари ўртасида ҳакамлик макомига эга. Ҳар бир фақиҳ унга назар солган, ундан фойдаланган. Ироқ, Миср, Мағриб ва мусулмон шаҳарлари олимлари ундан фойдаланган. ... Абу Довуднинг китоби фикҳ билан тўла, ёзилиши ҳам гўзал...», деган [3: 6].

Имом Абу Довуд китобга ҳадисларни ёзиш шартлари ва даражаси ҳақида шундай деганлар: «Мен китобимда саҳиҳ ҳадислар билан бирга, унга ўхшаган, унга яқин бўлган ҳадисларни ҳам зикр қилдим». Бошқа ўринда: «Китобимга киритилган ҳадисларда, агар бироз қаттиқлик бўлса, мен уни тушунтирдим. Мен тушунтирмаган ҳадислар ҳам солих ҳадислар. Уларнинг баъзилари бошқаларидан саҳиҳроқ», деганлар. Ибн Салоҳ: «Биз унинг китобида зикр этилган ҳадислардан бирортасини саҳиҳайнда топмадик. Ҳадиснинг саҳиҳи билан ҳасанини ажратадиган бирор кишидан имом Абу Довуднинг ҳадисларини саҳиҳлиги ҳақида ҳужжат эшитмадик, билдикки, улар имом Абу Довуднинг наздида ҳасан ҳадисдир. Баъзида бу ҳадислар орасида Абу Довуд наздида ҳасан саналмаган ҳадислар ҳам мавжуд. Аслида ҳасан ҳадис қандай бўлиши тўғрисида бирор қоида йўқ», деган.

Муҳаддис Ибн Касирнинг айтишича, имом Абу Довуд сукут сақлаган ҳадис ҳасан бўлиб, агар саҳиҳ бўлса, муаммо йўқ.

Имом Термизийнинг «Сунан»и эса «Жомеъ Термизий» номи билан машҳурдир. Ушбу китоб фикҳ ва бошқа мавзудаги бобларга бўлинган ва мавзуга мувофиқ саҳиҳ, ҳасан ва заиф ҳадислар ҳам келтирилиб, ҳар бирининг даражаси ўз ўрнида баён этилган. Ҳадиснинг заифлигига сабаб кўрсатилган, саҳобий ва тобеийлар ҳамда турли шаҳар фақиҳларининг

мазҳаблари тушунтирилган. Ҳадис йўлларини мухтасар қилиб, бир санад бўйича битта ҳадис ривоят қилинган ва қолган иснод йўлларга ишора қилинган. Китобнинг охирида бир боб иллатларга бағишланган. Унда фикҳ ва ҳадисга алоқадор кўп фойдалар жамланган бўлиб, булар бошқа китобларда мавжуд эмас. Шу жиҳатлар унинг қадрини ошириб юборган.

Имом Абу Исо Термизий: «Мен бу китобимни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига кўрсатдим. Улар рози бўлдилар ва яхшилик тиладилар. Кимнинг уйида шу китоб бўлса, гўёки унинг уйига Расулulloҳ (с.а.в.) келиб гапираётгандай бўладилар. Мен бу китобга киритган ҳадислар баъзи фуқаҳолар амал қилаётган ҳадислардир», деган.

Ибн Салоҳ «Улум ал-ҳадис»сида шундай ёзади: «Абу Исо Термизийнинг китоби «ҳасан ҳадис»ни билишда асл манбадир. Чунки «ҳасан ҳадис» номини баланд айтган, «Жомеъ»ида кўплаб шундай ҳадисларни зикр этган муҳаддис имом Термизийдир [4: 40].

Имом Термизий сунанларидаги ҳадисларнинг даражаси ҳақида Ибн Ражаб «Илал ат-Термизий» китобининг шарҳида шундай дейди: «Билингки, албатта Термизий китобига киритган ҳадислар «саҳиҳ ҳадис», «ҳасан ҳадис» ва «ғариб ҳадис» деб юритилади. Ҳасан ҳадис саҳиҳ даражасидан пастроқ бўлиб, уларда бироз заифлик мавжуд. Ғариб ҳадис эса бироз мункарлик иллатига эга. Бундай ҳадислар «фазоил амаллар»ни таърифлашда ишлатилади. Имом Термизий ғариб ҳадислар олдида сукут сақламаган, балки уларни баён қилиб берган».

Сунанлар орасида имом Насоийнинг асари алоҳида аҳамиятга эга. Имом Насоий аввалига «Сунанул кубро» асарини ёзган. У китобда саҳиҳ билан иллатли ҳадисларни ҳам қўшган. Кейин уни мухтасар қилган ва «Мужтабо» деб номлаган. Бу китобдаги ҳадисларнинг барчаси имом Насоийнинг наздиларида саҳиҳ. Имом Насоий: «Сунан» китобининг кўп ҳадислари саҳиҳ, баъзиси эса иллатли. Мухтасар қилинган «ал-Мужтабо»га киритилган ҳадисларнинг барчаси саҳиҳдир», деган [1: 27].

Баъзи манбаларда шундай ривоят келтирилади: «Имом Насоий «Сунанул кубро»ни ёзиб тугатгандан кейин, уни Рамла амирига ҳадя қилди. Амир: «Бу китобдаги ҳадисларнинг ҳаммаси саҳиҳми?» деб сўради. Имом Насоий: «Йўқ!» деб жавоб берганида, Амир: «Бу китобдан саҳиҳини ажратиб ёз!» деб буюрди. Имом Насоий шутариқа «Мужтабо»ни ёзди. Ким имом Насоийга нисбат бериб бирор ҳадисни ривоят қилса, шубҳасиз «Мужтабо» деб номланган «Сунанус суғро»дан ривоят қилган бўлади. Бу асарда заиф ва иллатли ҳадислар бўлмагани учун «саҳиҳайн»дан сўнг учинчи ишончли китоб саналади, дейдилар ва даражада имом Абу Довуд ва Термизий сунанларидан муқаддам қўядилар. Чунки имом Насоий ровийларни жуда қаттиқ текширувчи бўлганлари учун баъзи муҳаддислар «имом Насоий Муслим ибн Ҳажжождан ҳам эҳтиётлироқ» – деган.

Имом Насоий «Мужтабо»да биринчи, иккинчи ва учинчи табақанинг ҳадисларини усулда келтирган, мутобаъот ва шавоҳидларда эса тўртинчи ва бешинчи табақанинг ҳадисларидан ҳам келтирган. Аммо Насоий муаллифларни қаттиқроқ текширгани, ровийларнинг ҳолини эҳтиётроқ бўлиб тафтиш қилгани, имом Абу Довуд ва Термизийлар кўпроқ ҳадис ривоят қилган ровийларни тарқ қилгани учун уламолар у зотнинг сунанларини Абу Довуднинг сунанларига нисбатан муқаддамроқ санаган. Ибн Ҳажар Асқалоний: «Имом Абу Довуд ва Термизий қанча ровийдан ҳадис ривоят қилган бўлсалар, Насоий уларнинг барчасини тарқ қилган, ҳатто имом Бухорий ва Муслим ҳадис ривоят қилган ровийларнинг бир жамоасидан ҳам ҳадис ривоят қилишни тарқ қилган». Шунинг учун кўп олимлар Насоийнинг «Мужтабо»даги шарт аҳли илмлар наздида икки саҳиҳнинг

кейинги ўринда туришини айтган.

Имом Термизий, Абу Довуд ва Насоий сунанларининг бир-бирига яқинлиги борасида Абу Жаъфар ибн Зубайр айтади: «Абу Довуд аҳком оятларини мукаммал жамлаган бўлиб, бу ишни бирор муҳаддис амалга оширмаган. Имом Термизий янги услубда ҳадисларни жамлаган бўлиб, унга шерик бўладиган бирор муҳаддис йўқ. Аммо имом Насоий бу йўлларнинг энг гўзалини ва энг улуғини танлаган», деган.

Кейинги китоб муҳаддис Ибн Можанинг «Сунан»и бўлиб, фикҳ илми бўйича фойдали китоб ҳисобланади. Ибн Можанинг асарларини аввалги «бешта саҳиҳ»га қўшган олимлардан биринчиси Ҳофиз Абулфазл ибн Тоҳир Мақдисий (ваф. 507/1113 й.) бўлади [5: 70]. У Ибн Можа ҳақида «Шурут ал-аимма ас-ситта» китобида маълумот бериб ўтган. Кейин Ҳофиз Абдулгани Мақдисий «ал-Икмоли фи асма ар-рижол» китобида бешта буюк муҳаддисдан сўнг олтинчиси сифатида зикр этган. Ибн Можа ўз китобида ёлғон билан айбланган кишилар ва ҳадис ўғриларида ривоят қилинган ҳадисни киритгани учун уламолар «олти саҳиҳ» қаторига Ибн Можа сунанини эмас, имом Доримий китобини қўшиш лозимлигини айтган. Доримий китобида, мурсал, мавқуф ҳадислар бўлса ҳам, заиф ровийлар ва мункар ҳадислар жуда оз. Муҳаддис Разин Сарақсий (ваф. 535/1141 й.) ўзининг «Тажридул сиҳох», Ибн Асир «Жомеъ ал-усул» китобида имом Молик ибн Анаснинг «Муваддот»ини саҳиҳ ва буюк бўлгани учун олтинчи қилиш керак, деган.

Ибн Можанинг сунанлари бошқа сунанлар каби бобма-боб қилиб ажратиб ёзилган. Ҳофиз Ибн Ҳажар: «Ибн Можа бошқа муҳаддислар китобида мавжуд бўлмаган жуда кўп ҳадисларни ёлғиз ўзи ривоят қилган, бу ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ. Аммо заифга нисбат берилган ҳадислар бўлса, фақат ровийлари орасида заифлари бўлиши мумкин. Аҳмад ибн Абу Бакр Бусирий бир китоб ёзиб, унда ушбу фикрларни баён этган», деган.

Имом Суютий: «Албатта, Ибн Можанинг китоби ёлғон билан айбланган ва ҳадис ўғрилари бўлган ровийлардан ҳадис ривоят қилган ягона китоб. Ундаги ҳадисларнинг баъзилари фақат имом Моликининг котиби Хубайб ибн Абу Хубайб, Аъло ибн Зайд, Довуд ибн Муҳаббар, Абдулвахҳоб ибн Заҳҳок, Исмоил ибн Зиёд Куфий, Абдуссалом ибн Яҳё ва бошқалардан эшитилган ҳолос», деган.

Муҳаддислардан бири Абу Зуръа Ибн Можанинг жуда кўп ҳадисларини ботил, соқит, мункар деб ҳукм қилган. Бу ҳукм Абу Хотимнинг «ал-Илал» китобида ҳикоя қилинган. Имом Заҳабий: «Ибн Можа ҳофиз, ростгўй, илми чуқур. Аммо унинг китоби даражасини пастга туширган нарсаси, китобидаги мункар ва мавзу ҳадислар эди», деган.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилганлардан бошқа «Сунан»лар турли олимлар томонидан ёзилган. Улар: Ибн Журайж номи билан машҳур Абдулмалик ибн Абдулазиз Абу Валид Румий Маккий (ваф. 151/768 й.), Саид ибн Мансур (ваф. 227/842 й.), Муҳаммад ибн Сабоҳ Абу Жаъфар Дулобий (ваф. 227/842 й.), Исмоил ибн Яҳё Абу Иброҳим Музаний Доримий (ваф. 264/878 й.) ривояти билан Имом Шофеий (ваф. 204/819 й.) «Сунан»и, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Кеший (ваф. 292/905 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Хони Абу Бакр Асрам (ваф. 273/886 й.), Ҳасан ибн Али Абу Али Халлол (ваф. 242/856 й.), Абу Курра

номи билан машҳур бўлган Мусо ибн Торик Ямоний Зубайдий, Саҳл ибн Абу Саҳл Абу Амр Розий (ваф. 240/854 й.), Аҳмад ибн Убайд Абу Ҳасан, Муҳаммад ибн Яҳё Абу Бакр Шофеий Ҳамадоний, Ибн Лол номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Али Абу Бакр (ваф. 398/1008 й.), Аҳмад ибн Сулаймон Наҷжор (ваф. 348/959 й.), Исмоил ибн Исҳоқ ибн Исмоил Қози Аздий Басрий (ваф. 282/895 й.), Юсуф ибн Яъқуб ибн Ҳаммод ибн Зайд Абу Муҳаммад Басрий (ваф. 297/910 й.), Лолкойи насаби билан машҳур бўлган Ҳибатуллоҳ ибн Ҳасан Абу Қосим (ваф. 418/1027 й.) ва Байҳақийнинг «ас-Сунан» каби асарларини келтириш мумкин. Олим Ғоврий ўзининг асарида 24 та сунан асари ҳақида маълумот беради [1: 21-33].

Имом Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Бакр Байҳақийнинг (ваф. 458/1066 й.) «Сунанул кубро» асари «Сунан»лар орасида ҳажмининг катталиги ва яхши услубда ёзилгани билан ажраб туради. Аллома Каттоний бу асар ҳақида: «Уни «Сунанул кубро» дейишади. Тўплам 10 жилддан иборат бўлиб, ислом оламида бу каби асар ёзилмаган [6: 103]. Аҳком ҳадисларнинг аксарини қамраб олган. Бу китоб ҳақида Ибн Салоҳ: «Суннатда Байҳақийнинг «Сунанул кубро» китобидан кўра дилларни мукаммал тарзда жамловчи китоб ёзилмаган. Дунёнинг бирор томонида қандайдир ҳадис қолган бўлса, Байҳақий ўшани ҳам китобига киритган», деган. Китобнинг охирида саҳобийлар, тобейларнинг исмлари, ҳадисларнинг санадлари ва матндаги турли ривоятлар қўшилган. Унга Ибн Туркмоний номи билан машҳур бўлган Али ибн Фаҳридин Усмон ибн Иброҳим ибн Мустафо Мордийн Ҳанафий (ваф. 750/1349 й.) «ал-Жавҳар ан-накий фи ар-радд ала ал-Байҳақий» номи билан катта ҳажмда ҳошия ёзган», деган.

Шунингдек, баъзи асарлар ҳам борки, олим Саййид Абдулмажид Ғаврий фикрича, уларни сунан деб атаса зарари йўқ. Буларга Яъқуб ибн Иброҳим Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798 й.) «Китобул осор», Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 189/805 й.) «Китоб ал-осор», Муҳаммад ибн Идрис Шофеийнинг (ваф. 204/819 й.) «Умм», Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Шарҳ маонийул осор», Муҳаммад ибн Жарир Абу Жаъфар Табарийнинг (ваф. 310/922 й.) «Таҳзибул осор» асарларини келтириш мумкин.

Имом Муҳаммад ибн Жарир Абу Жаъфар Табарийнинг асари халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ривоят қилган ҳадис билан бошланиб, ҳадис фикҳи ва ҳадиснинг олимлар наздидаги ихтилофи ҳамда уни ҳужжат қилиб қабул қилиниши ёритилган. Ҳар бир ҳадис ёзилгандан кейин, унинг мазмуни, таърифи, усули, фикҳи, иллати, уламолар ихтилофи, ҳужжатлари ва луғати баён этилган. Жаннат башорати берилган ўнта саҳоба, аҳли Байт, озод қилинган мусулмон қулларнинг муснадлари ва Ибн Аббос муснадларидан бир қисм келтирилган. Китобнинг энг ажойиб жойи Ибн Аббос муснадларидир. Бироқ уни тугатишдан олдин олимнинг ўзи вафот этган. Агар бу китоб ҳам охиригача ёзилганда, суннат илмлари борасида ягона китоб-ҳужжат бўларди, деб манбаларда фикр билдирилган [7: 16].

Шунингдек, Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Бакр Ожурий Шофеий (ваф. 360/971 й.) «Китоб аш-шариа», Ҳамад ибн Муҳаммад Бустий Хаттобий (ваф. 388/988 й.) «Маърифа ас-сунан ва-л-осор», Ҳусайн ибн Масъуд Фарро Бағавий (ваф. 516/1122 й.) «Шарҳ ас-сунна» асарларини ҳам сунан дейиш мақсада мувофиқ.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ғоврий, Саййид Абдулможид. Ал-Важиз фи таъриф кутуб ал-ҳадис. – Байрут: Матбаа Райён, 2009.
- 2.Ғоврий, Саййид Абдулможид. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуниҳ. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. – Т. 2.
- 3.Хаттобий, Абу Сулаймон. Маолим ан-сунан. – Ҳалаб: Матбаа илмий, 1932. – Т. 1.
- 4.Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1998.

5.Нуриддин ибн Абдуссалом. Ал-Мадҳал ила сунан ал-имом Ибн Можа. – Кувайт: Мактаба шуун ал-фаннийя, 2008.

6.Муратов Д. Ҳадис тўпламларини киёсий ўрганиш. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.

7.Muratov, Doniyor Mr (2019) "THE ROLE ON THE COMPANIONS IN THE SCIENCE OF HADITH," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaiu/vol2019/iss4/2>.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада ҳадис тўпламларидан бири бўлган сунанлар ҳақида сўз юритилган бўлиб, уларнинг бошқа ҳадис китобларидан фарқлари ва машҳур сунан манбалари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган. **Таянч сўзлар:** сунан, ҳадис, тўплам, фикҳ, муҳаддис, муваддот, саҳиҳ.

♦ **Annotation:** This article deals with the Sunans, one of the collections of hadith, and gives a brief account of their differences from other books of hadith and the famous Sunan sources.

♦ **Аннотация:** Эта статья посвящена сунанам, одному из сборников хадисов, и дает краткий отчет об их отличиях от других книг хадисов и известных сунанских источников.